O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.N

N 18 (251) • 2010 йил 30 апрель

Иқтисодий–ҳуқуқий газета

# НОРМА МАСЛАҲАТЧИ

СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ
ҲУҚУҚ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

## Қонун ижодкорлари нималар устида ишлашмоқда

*22 апрель куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида қуйидаги қонун ҳужжатлари кўриб чиқилди ва қабул қилинди:*

- ***«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 28-моддасига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 180 ва 275-моддаларига ўзгартишлар киритиш ҳақида» (Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида)** (иккинчи ва учинчи ўқиш);*
- ***«Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»** (иккинчи ва учинчи ўқиш);*
- ***«Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида»** (иккинчи ва учинчи ўқиш);*
- ***«Ўзбекистон Республикаси билан Уммон Султонлиги ўртасида ҳамкорлик ва муносабатлар асослари тўғрисидаги битимни (Масқат, 2009 йил 5 октябрь) ратификация қилиш ҳақида»** (биринчи, иккинчи ва учинчи ўқиш).*

*Депутатлар шунингдек Ҳисоб палатасининг 2009 йил юзасидан ҳисоботини тингладилар ва муҳокама этдилар. Ҳисобот Палата раисининг ўринбосари Қаҳрамон Акмалов томонидан тақдим этилди.*

## ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ АУДИТОРЛАРИ

***Ўтган йилги Давлат бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисоботнинг ташқи аудити, келаси йилга мўлжалланаётган бюджет лойиҳасининг экспертизаси ҳамда давлат маблағига у ёки бу даражада дахлдор турли тузилмалардаги ҳар хил йўналишдаги туркум назорат тадбирлари. Ҳисоб палатаси ҳар йили ана шу масалалар билан шуғулланади. Ходимлари унча кўп бўлмаган бу идора (унинг штати раисни ҳам қўшиб ҳисоблаганда 20 ходимдан иборат[1]) 2009 йилда тегишинча 2008 йилги ва 2010 йилга мўлжалланган бюджетларни ташқари Молия ва Мудофаа вазирликларини, тўртта сиёсий партияни, Президент ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясини, давлат мақсадли жамғармаларини, баъзи вилоят солиқ ва молия бошқармаларини «Ўзсаноатқурилишбанк» очиқ акциядорлик-тижорат банкини, Ергеодезкадастр давлат қўмитасини, «Ўзфармсаноат» тизимидаги бир қанча қўшма корхоналарни ҳамда кимё саноати тизимидаги акциядорлик жамиятларини тафтиш қилиб, ишини ўрганди... Идорангиздаги бош бухгалтер ишга кўмилиб кетганлигидан зорлангудек бўлса, Ҳисоб палатаси амалга оширган тадбирларни шунчаки санаб ўтиш билан уни ҳовуридан тушириб қўйишингиз мумкин. Юқорида санаб ўтилганларга ўхшаш объектлардан жами 47 таси Ҳисоб палатаси текширувидан ўтди!***

2008 йилги Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот ортиқча баҳс-мунозарага сабаб бўлмади. 2010 йилга мўлжалланган бюджет лойиҳаси ҳам қайта-қайта синчиклаб ўқиб чиқилиб, даромадлар қисми бўйича ҳам, харажатлар қисми бўйича ҳам қаноатланарли деб топилди. Назорат тадбирларига келганда, табиийки, «аниқланди, қўшимча ҳисоблаб чиқарилди ва ундириб олинди» сингари атамалар бот-бот тилга олинди.

Текширилган кўпгина муассаса ва идораларда турли даражадаги камчилик ва молиявий қоидабузарликлар аниқланди. Уларнинг жами суммаси 62,5 млрд сўм деб баҳоланди. Қиёслаш учун айтиш кераккi, 2008 йили қарийб шу миқдордаги сумма суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун ажратилган эди, шу сумманинг деярли ярми бу йил элликта мусиқа мактабини қуриш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш учун бемалол етиши керак...

Энди баъзи жиҳатларга тўхталсак. Ергеодезкадастр давлат қўмитаси тизимида унга алоқаси бўлмаган вазифалар билан шуғулланаётган, бошқа мавжуд тузилма ишини такрорлаётган бўғин аниқланди ва қисқартирилди (бу бўғин таъминоти бюджет маблағлари асоссиз сарфланишига олиб келган). Корхоналардан бирида ишлар қийматини белгилашда коэффициентлар ва устама баҳолар ошириб юборилганлиги, шунингдек қўпол арифметик хатолар аниқландики, булар ҳам бюджет маблағлари йўқотилишига олиб келган.

«Ўзсаноатқурилишбанк» очиқ акциядорлик-тижорат банки 495 та экспорт ва 124 та импорт контрактлари бўйича маълумотларни Ташқи савдо операциялари ягона электрон ахборот тизимига киритмаган ва бу билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибни бузган. Ҳисоб палатаси мазкур банк мамлакатимиз Президентининг бир қанча қарорлари ва фармонларидаги валюта тушумининг бир қисмини мажбурий тартибда сотишга, муддати ўтказиб юборилган дебиторлик қарзлари тўғрисида солиқ органларига ахборот тақдим этишга тааллуқли талабларни, шунингдек Солиқ кодексининг 156 ва 165-моддалари талабларини бузганлигини маълум қилди.

«Ўзфармсаноат» давлат-акциядорлик компанияси тизимидаги қўшма корхоналарга ажратилган кредит маблағларидан ўз ўрнида, белгиланган мақсадда фойдаланаётганлиги текширилганда қарийб 29,5 млрд сўмлик молиявий қоидабузарликлар аниқланди. Улар орасида маънан эскирган ускуналарни сотиб олиш, кредит ресурсларини қайтармаслик ёки улардан белгиланмаган мақсадда фойдаланиш, даромадларни яшириш ва солиқлар тўламаслик сингари қоидабузарликлар бор.

Электр энергияси ҳақини йиғиш вазифаларини хусусий операторларга ўтказиш[2] механизмини амалиётга жорий этиш натижаларини ўрганиш ҳам бу соҳадаги айрим муаммоларни яққол кўрсатиб берди. Хусусий операторлар фаолият юритадиган ҳудудларда технологик талафотлар нормативлари йўқлиги бунга мисол бўла олади. Электр энергияси истеъмолчиларидан олинган маблағлардан фойдаланиш устидан етарлича назорат йўқлигидан фойдаланиб, хусусий операторлар «Тошкент шаҳар электр таъминоти» очиқ акциядорлик жамиятидан кредиторлик қарзи бўлгани ҳолда ғишт заводлари қурилишига, «BMW» автомобиллари сотиб олишга ва ўз муассисларига молиявий ёрдам кўрсатишга пул киритганлар. Ҳисоб палатаси бу операторлар истеъмолчиларнинг барча гуруҳларини тўла қамраб олишга муваффақ бўлмаган деб ҳисоблади. Натижада электр энергиясидан фойдаланганлик учун қарийб 8,5 млрд сўм тўлов олинмай қолган.

***Ҳисоб палатаси томонидан аниқланган муаммолар, камчилик ва хатолар рўйхатини давом эттираверишi мумкин. Уларнинг аксарияти йилдан-йилга такрорланиб турибди. Палата уларни шунчаки аниқлаш билан кифояланмай, қонун ижодкорлиги жараёнларида ҳамда камчилик ва нуқсонларнинг олдини олиш ва уларга йўл қўймасликка қаратилган идоравий дастурларни ишлаб чиқишда иштирок этиш билан ана шу камчиликларни тизимли тартибда бартараф этишга ҳаракат қилмоқда. Бинобарин, Ҳисоб палатаси иши самарадорлиги ортиб борган сари унинг саъй-ҳаракати билан аниқланадиган қоидабузарликлар сони камайиб бориши керак. Ҳозирча 42 та кўрсатма тузилиб, тегишли инстанцияларга юборилди, 39 нафар мансабдор шахс эгаллаб турган лавозимидан озод қилинди, 88 мансабдорга нисбатан интизомий жавобгарлик чоралари кўрилди. 12 жиноят иши қўзғатилди.***

4-бетда

[1] Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг тузилмаси Президентнинг «Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг фаолиятини ташкил қилишни такомиллаштириш тўғрисида»ги 2005 йил 4 апрелдаги ПФ-3592-сон Фармони билан тасдиқланган.

[2] Президентнинг «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги 2008 йил 28 ноябрдаги ПФ-4058-сон Фармони.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ 2010 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЧОРАГИДА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

***2010 йилнинг биринчи чорагида мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастури ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган 2010 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналишларини амалга ошириш натижасида иқтисодиётда ижобий ўзгаришлар давом этаётганини кўрсатмоқда.***

### I. АСОСИЙ МАКРОИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАР

2010 йилнинг биринчи чорагида иқтисодиётни ислоҳ қилиш, мамлакатни янгилаш ва модернизация қилишни давом эттириш ва чуқурлаштириш, 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастурини сўзсиз бажариш ҳамда шу асосда иқтисодиётнинг юқори ва барқарор ўсиш суръатлари, унинг самарадорлиги ҳамда макроиқтисодий мувозанатни таъминлашга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш орқали эришилган иқтисодиётни изчил ривожлантириш тенденциялари сақланиб қолди.

Натижада жорий йилнинг биринчи чорагида ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ўсиш суръатлари 7,6 фоизни ташкил қилди, саноат маҳсулотлари ҳажми 7 фоизга, жумладан истеъмол товарлари ҳажми 8,9 фоиз, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари 6,1 фоиз, қурилиш ишлари 20,1 фоиз, чакана савдо айланмаси 8,3 фоиз, хизматлар 12,2 фоиз, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш 13,4 фоиз, маҳсулот экспорти 22,1 фоизга ўсди.

Инфляция даражасини нисбатан паст – 3 фоиз, давлат бюджети профицитини ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,2 фоиз сақлаш орқали макроиқтисодий мувозанат таъминланди.

**2010 йилнинг биринчи чорагида Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари**
*(2009 йилнинг шу давридагига нисбатан фоиз ҳисобида)*

| Кўрсаткичлар | Ўсиш суръатлари |
|---|---|
| Ялпи ички маҳсулот | 107,6 |
| Саноат маҳсулотлари ҳажми | 107,0 |
| Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш | 108,9 |
| Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари | 106,1 |
| Қурилиш ишлари | 120,1 |
| Чакана савдо айланмаси | 108,3 |
| Пуллик хизматлар | 113,4 |

### II. МОЛИЯ-БАНК БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

Банк тизимининг устав капитали жорий йил биринчи чораги охирида 2009 йилнинг шу давридагига нисбатан 46,4 фоиз, мижозларнинг

2-бетда

УШБУ СОНДА
1-бет Ҳисоб палатаси фаолияти
1-3-бетлар Биринчи чорак якунлари
4-бет Депутатлар қизғин иш жараёнида
5-бет Қонун ҳужжатларига қисқа шарҳ

$1 = 1566,44 сўм | € 1 = 2294,83 сўм | £1 = 2553,45 сўм | ¥10 = 166,22 сўм

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ

1-бетда

банкдаги депозитлари қолдиғи 56,7 фоиз, аҳолининг тижорат банклардаги маблағлари 68,7 фоизга кўпайди. Кредит ташкилотларида аҳоли депозитлари умумий миқдоридаги муддатли ва жамғарма омонатлари улуши 32,4 фоизни ташкил қилди. Натижада банкларнинг жами активлари ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 4,29 триллион сўмга ёки 33,3 фоизга ошди.

Банклар ресурс базасининг янада кўпайгани уларни иқтисодиёт реал сектори корхоналарига кредит ажратишга йўналтиришни ошириш имконини берди. Банкларнинг реал секторга йўналтирилган кредит қўйилмалари қолдиқлари 2010 йилнинг биринчи чорагида 11,4 фоизга ўсди. Бунда ушбу кредит қўйилмаларининг 82,1 фоизи узоқ муддатли инвестиция кредитлари улушига тўғри келади.

Тижорат банклари томонидан инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун тақдим этилган кредит ресурслари улуши капитал қўйилмалар умумий ҳажмида 5,5 фоизни ташкил қилди. Ўтган йилнинг шу даврида эса бу кўрсаткич 2,1 фоиз бўлган эди.

Жорий йилнинг биринчи чорагида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, жумладан корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш учун тижорат банкларининг 737,2 миллиард сўмга тенг кредитлари ёки 2009 йилнинг шу давридагига қараганда 1,5 марта кўп маблағи йўналтирилди.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада ривожлантириш мақсадида муомалага чиқарилган пластик карточкалар сони 2009 йилнинг шу давридагига қараганда 1,74 миллион донага кўпайди ва 6,49 миллионтага етди, ўрнатилган терминаллар сони эса 32,7 мингтага кўпайди ва 60,84 мингни ташкил қилди. Бунинг натижасида пластик карточкалар орқали нақд пулсиз тўловлар ҳажми 2009 йилнинг биринчи чорагидагига нисбатан 2,9 баравар ошди, товарлар ва пуллик хизматлар учун нақд пулсиз тўловлар улуши 2009 йилнинг январь-мартидаги 67 фоиз ўрнига 2010 йилнинг январь-мартида 86 фоизни ташкил этди.

## III. МАМЛАКАТ РАҚОБАТБАРДОШЛИЛИГИНИНГ ОШИШИНИ ТАЪМИНЛАШ МАҚСАДИДА ИҚТИСОДИЁТНИ ТАРКИБИЙ ТУБ ЎЗГАРТИРИШНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ СИЁСАТИ ДАВОМ ЭТТИРИЛДИ

Жорий йилнинг биринчи чорагида ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз саноати (125,3 фоиз), енгил (111,0 фоиз) ва озиқ-овқат саноати (108,8 фоиз), машинасозлик ва металлни қайта ишлаш саноати (107,9 фоиз) тармоқларида саноат маҳсулотлари ҳажми ўсишининг энг юқори кўрсаткичларига эришилди.

Мамлакатимиз товар ва хизматлар ишлаб чиқарувчиларининг маҳсулотларига ички талабни ноинфляциявий рағбатлантириш, корхоналар ўртасида барқарор кооперация алоқаларини ўрнатиш ва кенгайтириш, ушбу жараёнга кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини жалб этиш мақсадида маҳаллийлаштириш дастурига лойиҳалар киритишнинг янги ёндашув ҳамда мезонлари ишлаб чиқилди. Шу асосда 2010 йилга мўлжалланган саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича янги дастур ишлаб чиқилди ҳамда тасдиқланди.

Жорий йилнинг январь-мартида маҳаллийлаштириш дастурининг 699 лойиҳаси бўйича қиймати 996,0 миллиард сўмлик ёки ўтган йилнинг шу давридагига қараганда 23,2 фоиз кўп маҳсулот ишлаб чиқарилди. «Ўзмонтажмахсусқурилиш» (2,1 баравар), «Ўзбекчармпойабзали» (1,9 баравар) уюшмалари, «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компанияси (1,7 баравар) ва «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси (1,3 баравар) корхоналарида маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмининг энг юқори суръатларига эришилди.

Истеъмол озиқ-овқат товарларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида тижорат банклари томонидан 2010 йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга технологик ускуналар, хом ашё ва материаллар сотиб олиш учун 104,3 миллиард сўмлик кредит маблағлари ажратилди. Паррандачилик хўжаликларини ташкил этиш учун қиймати 12,6 миллиард сўмга тенг (ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 2,2 баравар кўп) ва енгил конструкцияли иссиқхоналар ташкил қилиш учун 4,9 миллиард сўмлик (1,7 баравар кўп) кредит маблағлари ажратилди.

Озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантиришга доир қабул қилинган қўшимча чора-тадбирлар самарасида жорий йилнинг биринчи чорагида истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 8,9 фоиз, шу жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари 8,7 фоиз ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари ҳажми 9 фоизга кўпайди.

Маҳсулотларни экспорт қилишни рағбатлантириш, тайёр маҳсулотларни янги ташқи бозорларга олиб чиқиш, шунингдек, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини оширишга оид қўшимча чора-тадбирларнинг амалга оширилиши жорий йил биринчи чорагида товарлар ва хизматлар экспорти ҳажмини 2009 йилнинг шу давридагига қараганда 22,1 фоизга ошириш, шунингдек, ташқи савдо айланмасининг 1 081,2 миллион доллар миқдорида ижобий сальдосига эришиш имконини берди. Пахта толаси, озиқ-овқат маҳсулотлари, қора ва рангли металларни экспорт қилиш бўйича юқори ўсиш суръатларига эришилди. Карбамид, аммиак, кальцийли сода, мисли қотишмалар, ип газлама ва калава, автомобиль ва бошқа турдаги маҳсулотларни экспорт қилиш ҳажми ҳам ортди.

Жорий йилнинг биринчи чорагида кичик бизнесни янада қўллаб-қувватлаш мақсадида кичик тадбиркорлик субъектларининг кредит ресурсларидан фойдаланишини кенгайтиришга доир фаол чоралар кўрилди. Тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига берилган кредитлар ҳажми 625,1 миллиард сўмни ташкил қилди ёки 2009 йилнинг шу давридагига нисбатан 1,4 баравар ошди, жумладан 116,5 миллиард сўмлик микрокредитлар берилди ва бу кўрсаткич 1,5 бараварга ошди.

2010 йилнинг биринчи чорагида рўйхатга олинган кичик корхоналар умумий сони (фермер хўжаликларини ҳисобга олмаганда) 1,3 фоизга кўпайди ва 227,2 мингтани ташкил қилди. ЯИМда кичик бизнеснинг улуши ортди – 2009 йилнинг биринчи чорагидаги 36,2 фоиз ўрнига 38,0 фоизга, саноатда 14,1 фоиздан 15,8 фоизга, аҳоли бандлиги бўйича 73,1 фоиздан 74,3 фоизга етди. Бунда кичик бизнесда саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръатлари 125,9 фоизни ташкил қилди ва бу саноат тармоғи бўйича ўртача кўрсаткичдан анча юқоридир.

Ҳисобот даврида ишлаб чиқариш соҳасига инновация технологияларини жорий этишни рағбатлантиришга доир фаол чора-тадбирлар кўрилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 15 июлда қабул қилинган «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 916-қарори ижросини таъминлаш мақсадида III Республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркаси ўтказилди ва унда 600 дан ортиқ ишланма намойиш этилди.

Ярмаркада саноат соҳаси – 240, қишлоқ хўжалиги – 200, фармацевтика ва соғлиқни сақлаш – 100, ахборот технологиялари – 40, таълим ва илм-фан соҳасига оид 30 та ишланма тақдим этилди.

Ярмарка давомида илмий-техник маҳсулотлар ишлаб чиқувчилар ва истеъмолчилар ўртасида янги маҳсулот ҳамда технологияларни сотиб олиш бўйича умумий қиймати 10,6 миллиард сўмлик 456 та шартнома, жумладан 2010 йилда инновация маҳсулотларини етказиб бериш учун 6,7 миллиард сўмлик 331 шартнома, 2010-2012 йилларда инновация маҳсулотларини ишлаб чиқиш учун 3,9 миллиард сўмлик 125 та аҳдлашув протоколи имзоланди. Бундан ташқари, «Алоқабанк»нинг 10 миллион доллар миқдоридаги кредити ҳисобидан 10 турдан ортиқ ярим тайёр дори препаратларини ишлаб чиқариш бўйича илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасини ташкил этиш тўғрисида меморандум имзоланди.

Хизмат кўрсатиш соҳасида инфратузилмани ташкил этиш дастурини амалга ошириш мақсадида жорий йилнинг биринчи чорагида Бандликка кўмаклашиш жамғармаси, «Микрокредитбанк» ва бошқа тижорат банкларининг кредитлари ҳисобидан 4,4 миллиард сўм йўналтирилди.

Мобиль алоқа хизматларидан фойдаланувчи абонентлар сонининг кўпайиши ва АТСларни рақамлаштириш даражасининг оширилиши натижасида алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари 6,1 фоизга ўсди. Микро ва истеъмол кредитларини ажратишни ривожлантириш, тўлов тизимини такомиллаштиришга доир кўрилган чора-тадбирлар, шунингдек, молия инфратузилмаси институтларини ривожлантириш молия-банк хизматлари ҳажмини 24,6 фоизга ошириш имконини берди. 320 та янги чакана савдо корхонаси ва 45 та умумий овқатланиш корхонасининг ишга туширилиши савдо ва умумий овқатланиш хизмати кўрсатишни 12,2 фоизга оширишга кўмаклашди. Бундан ташқари, жорий йилнинг биринчи чораги давомида 440 дан ортиқ маиший хизмат кўрсатиш объекти фойдаланишга топширилди.

Қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ҳам жадал ривожланмоқда. Чакана савдо, умумий овқатланиш объектлари ва маиший хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг ишга туширилиши натижасида қишлоқ жойларда 6,3 мингта иш ўрни ташкил этилди. Қишлоқ жойларда барча турдаги хизматлар улуши 27 фоизни ташкил қилди.

Иқтисодиёт бўйича кўрсатилган хизматлар ҳажми 12,2 фоизга ўсди, ЯИМда ушбу соҳа улуши 46,7 фоизни ташкил этди.

## IV. ФАОЛ ИНВЕСТИЦИЯ СИЁСАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ

Жорий йил биринчи чорагида амалга оширилган инвестиция сиёсатига оид чора-тадбирлар етакчи тармоқларни модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш, транспорт ва инфратузилма коммуникацияларининг қудратли замонавий тармоғини ривожлантиришга қаратилган стратегик аҳамиятга эга лойиҳаларни рўёбга чиқаришга йўналтирилди.

Натижада 2010 йилнинг биринчи чорагида барча молиялаш манбалари ҳисобидан 2 910,6 миллиард сўмлик капитал қўйилмалар ўзлаштирилди ва бу кўрсаткич 2009 йилнинг шу давридагига нисбатан 101,2 фоизни ташкил этди. Иқтисодиётдаги капитал қўйилмалар умумий ҳажмидан ишлаб чиқаришни барпо этишга 79,5 фоиз инвестициялар йўналтирилди.

2010 йилнинг январь-мартида ўзлаштирилган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми 929,8 миллион долларни ташкил қилди ва 2009 йилнинг биринчи чорагига қараганда 2,6 баравар ўсди, уларнинг хорижий инвестициялар ва кредитлар умумий ҳажмидаги улуши ўтган йилнинг шу давридаги 85,3 фоиз ўрнига 94,8 фоизга етди.

Жорий йилнинг биринчи чорагида

### МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

| Мамлакат | Сана | АҚШ доллари | | Евро | | Россия рубли | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | бирлиги | курси | бирлиги | курси | бирлиги | курси |
| Озарбайжон | 29.04.2010 | 1 | 0,8035 | 1 | 1,0618 | 1 | 0,0274 |
| Арманистон | 29.04.2010 | 1 | 385,5 | 1 | 510,59 | 1 | 13,18 |
| Беларусь | 30.04.2010 | 1 | 2961 | 1 | 3908,82 | 1 | 101,1 |
| Грузия | 29.04.2010 | 1 | 1,7614 | 1 | 2,3229 | 1 | 5,9952 |
| Қозоғистон | 30.04.2010 | 1 | 146,78 | 1 | 194,35 | 1 | 5,02 |
| Қирғизистон | 30.04.2010 | 1 | 45,5518 | 1 | 60,4545 | 1 | 1,5496 |
| Латвия | 30.04.2010 | 1 | 0,531 | 1 | 0,702804 | 1 | 0,0181 |
| Литва | 30.04.2010 | 1 | 2,6112 | 1 | 3,4528 | 10 | 8,9228 |
| Молдова | 29.04.2010 | 1 | 12,5765 | 1 | 16,5998 | 1 | 0,4285 |
| Тожикистон | 30.04.2010 | 1 | 4,3681 | 1 | 5,8486 | 10 | 1,5052 |
| Ўзбекистон | 27.04.2010 | 1 | 1566,44 | 1 | 2294,83 | 1 | 53,51 |
| Украина | 29.04.2010 | 100 | 792,59 | 100 | 1049,7855 | 10 | 2,6977 |
| Эстония | 29.04.2010 | 1 | 11,8154 | 1 | 15,6466 | 1 | 0,403816 |

*Манба: www.prime-tass.ru*

УШБУ СОНДА:


✓ УСТУВОРЛИКЛАР
– Ўзбекистон Республикасини 2010 йилнинг биринчи чорагида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари тўғрисида *1-3-бетлар*

✓ ҚОНУН ЧИҚАРУВЧИЛАР НИМАЛАР УСТИДА ИШЛАШМОҚДА
– Давлат бюджетининг аудиторлари
– Валюталар курси
– Болалар бемаҳал юрмасин
– Кичик бизнесни ривожлантиришнинг «партиявий» чизгилари
– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз *1, 4-5-бетлар*

✓ ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР
– ЎзР Президентининг «Деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори *6-бет*

✓ top *7-8-бетлар*

# 2010 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЧОРАГИДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан 6 та лойиҳани биргаликда молиялаш учун 196,4 миллион доллар ажратилди.

Шу йилнинг бошидан буён 118 та янги ишлаб чиқариш объекти, шу жумладан, енгил ва тўқимачилик соҳасида 15, озиқ-овқат саноатида 41, қурилиш материаллари саноатида 56, машинасозлик соҳасида 2 та объект ишга туширилди ва улар қиймати 18,8 миллиард сўмлик асосий фондларни ташкил этишни таъминлади.

Иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини ривожлантириш, модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш бўйича чоралар дастури доирасида жорий йилнинг биринчи чорагида 29 та лойиҳа, хусусан, «Навоийазот» очиқ акциядорлик жамиятида фосфорит хом ашёси қўшилган аммиак селитрасини гранулалаштириш жараёнини ишлаб чиқиш ва жорий этиш», «Автоойна» масъулияти чекланган жамиятида автомобиль ойналарини ламинация қилиш, кесиш ва тоблаш бўйича янги линияларни ўрнатиш ҳисобидан ишлаб чиқариш қувватларини ошириш», «Профиль интерпрайзерс» масъулияти чекланган жамиятида табиий чарм ишлаб чиқариш ускунасини ўрнатиш» (Тошкент шаҳри), «Универсал фарм» қўшма корхонасида ва «Технофарм» очиқ акциядорлик жамиятида фармацевтика ишлаб чиқаришини модернизация қилиш, 14,3 мингта нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга 16 та кичик корхона қуриш, модернизация қилиш ҳамда бошқа қатор лойиҳалар амалга оширилди.

Жорий йилнинг биринчи чорагида замонавий транспорт-коммуникация тизимини ташкил қилиш мақсадида халқаро ва давлат аҳамиятига эга умумфойдаланиш автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш ҳамда Ўзбекистон миллий автомагистрали участкаларини қуриш бўйича 32 164,3 миллион сўмлик ёки 2009 йилнинг шу давридагига нисбатан 150,3 фоиз иш бажарилди. Ўзбекистон миллий автомагистрали бўйлаб йўл ёқасидаги 8 та инфратузилма ва хизмат кўрсатиш объекти қурилиши якунланди ҳамда фойдаланишга топширилди.

Темир йўл транспортини ривожлантириш лойиҳалари бўйича 62,4 миллион доллар эквивалентида маблағ ўзлаштирилди, 542 та вагон капитал таъмирланди ва модернизация қилинди, иккита Talgo-250 тезюрар поездини харид қилиш учун 10,64 миллион доллар миқдоридаги маблағ йўналтирилди.

Жорий йилнинг биринчи чорагида Навоий шаҳридаги халқаро аэропорт орқали 14,8 минг тонна юк, шунингдек, 4,2 минг нафар йўловчи ташилди (2009 йилнинг шу давридагига қараганда 113,5 фоиз). Бангкок, Деҳли, Мумбай, Франкфурт, Сеул, Брюссель ва Милан шаҳарларига ҳафтасига 14 та рейс амалга оширилмоқда.

«Ангрен логистика маркази» ёпиқ акциядорлик жамиятида транспорт-экспедиция, юклаш-тушириш хизматлари ва юкларни сақлаш хизматлари кўрсатиш бошланди, жорий йилнинг биринчи чорагида 707,5 минг тонна юк ташилди.

Электр энергетикасини модернизация қилиш, энергия сарфини камайтириш ва энергия тежаш тизимини жорий этиш дастурини амалга ошириш доирасида жорий йил биринчи чорагида маиший истеъмолчиларнинг электр энергиясини сарфлашини аниқ ҳисобга олишни таъминлайдиган 1 477,7 мингта ва хўжалик субъектларида 237,5 мингта электрон ҳисоблагич ўрнатилди. Масалан, «Олмалиқ КМК» очиқ акциядорлик жамиятида энергия тежаш режимини жорий этиш ҳисобидан электр энергияси истеъмоли ўтган йилнинг шу давридагига қараганда 25,2 миллион кВт соатга, «Навоийазот» очиқ акциядорлик жамиятида 13,5 миллион кВт соатга камайтирилди.

Қўқон РЭС ва Фарғона ЭСда электр энергиясини назорат қилиш ва ҳисобга олиш бўйича автоматлаштирилган тизимни жорий этишга доир монтаж-созлаш ишлари ниҳоясига етказилди. Жорий йилнинг биринчи чорагида маиший секторда электр энергиясини назорат қилиш ва ҳисобга олиш бўйича автоматлаштирилган тизимга мос келадиган 185,5 мингта замонавий ҳисобга олиш приборлари жорий этилди. «DOOJIN Co., Ltd» (Жанубий Корея) компанияси билан ҳамкорликда Чорвоқ сув омбори ҳудудида 750 кВт қувватга эга шамол энергетикасининг тажриба қурилмасини барпо этиш лойиҳасини амалга ошириш бошланди.

Жорий йилнинг биринчи чорагида 236 та мелиорация объектида умумий қиймати 12,9 миллиард сўмлик таъмирлаш-қайта тиклаш ишлари бажарилди. Бу умумий узунлиги 3 174,5 километрлик хўжаликлараро ва хўжаликлар ичидаги коллектор-дренаж тармоғини тозалаш имконини берди. Умумий узунлиги 39,8 километрлик коллектор-дренаж тармоғи барпо этилди ва реконструкция қилинди.

## V. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ДАВОМ ЭТТИРИШ, ҚИШЛОҚДА УЙ-ЖОЙ ВА ИЖТИМОИЙ ИНФРАТУЗИЛМАНИ ЖАДАЛ БАРПО ЭТИШ

Жорий йил биринчи чорагида тайёр ҳолда топшириш шарти билан уй-жой қуриш фондини реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича пудрат ишларини кенгайтиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида 420 та уй қурилди ва фойдаланишга топширилди. Қашқадарё, Самарқанд, Бухоро ва Фарғона вилоятларида намунавий лойиҳалар асосида қурилиши белгиланган барча уйлар фойдаланишга топширилди.

Жорий йилнинг биринчи чорагида республика бўйича жами 1 594,6 минг квадрат метр уй-жой (ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 110,6 фоиз), жумладан қишлоқ жойларда 1 087,4 минг квадрат метр уй-жой (111,1 фоиз) фойдаланишга топширилди.

Замонавий том ёпиш материаллари, гипсокартон, қуруқ пардозлаш аралашмалари, йиғма конструкциялар каби қурилиш ва пардозлаш материаллари ишлаб чиқарувчи 33 та янги корхона, жумладан йилига жами 70 миллион донадан ортиқ ғишт ишлаб чиқариш қувватига эга 11 ғишт заводи ишга туширилди.

Аҳолининг сифатли ичимлик суви таъминотини яхшилашга доир лойиҳаларнинг амалга оширилиши натижасида 2010 йилнинг биринчи чорагида республика бўйича 319,1 километрлик, шу жумладан, қишлоқ жойларда 220,3 километрлик сув қувурлари тармоғи ўтказилди.

Аҳолининг озиқ-овқат товарларига бўлган эҳтиёжини қондириш ва қайта ишлаш корхоналарини зарур хом ашё билан таъминлаш мақсадида Аниқ чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. Унда жорий йилда 5 865,3 минг тонна сабзавот, 1 566,6 минг тонна картошка, 1 122,6 минг тонна полиз маҳсулотлари, 1 575,3 минг тонна мева, 937 минг тонна узум, 1 447,6 минг тонна гўшт (тирик вазнда) ва 6 165,3 минг тонна сут ишлаб чиқариш кўзда тутилган.

Жорий йилнинг биринчи чорагида кўрилган чора-тадбирлар натижасида қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш ҳажми 6,1 фоизга ўсди. Ўтган йилнинг биринчи чорагига қараганда сабзавот (114 фоиз), гўшт (106,3 фоиз), сут (106,5 фоиз) ва тухум (112,2 фоиз) кўп ишлаб чиқарилди.

Чорвачиликни ривожлантириш дастурини амалга ошириш доирасида кимошди савдолари орқали шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларига 6 740 бош наслдор қорамол сотилди, кам таъминланган оилаларга 2 723 бош қорамол бепул берилди. 42 та зооветеринария пункти ташкил этилди, омухта ем ишлаб чиқарадиган корхоналар томонидан 200 минг тонна омухта ем ишлаб чиқарилди, тижорат банклари ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Бандликка кўмаклашиш жамғармаси томонидан қорамол сотиб олиш учун 8 миллиард сўм ажратилди.

Кўрилган чора-тадбирлар натижасида қорамоллар умумий сони 8 516,3 минг бошга етди ёки 2009 йилнинг шу давридагига қараганда 106,3 фоизни ташкил этди. 59 та паррандачилик хўжалиги ташкил қилинди ва 2010 йил 1 апрель ҳолатига кўра, паррандаларнинг умумий сони 31,2 миллионтани (112,8 фоиз) ташкил этди.

Жорий йилнинг биринчи чорагида республика бўйича 31 қайта ишлаш корхонаси, жумладан 5 та мева-сабзавотни қайта ишлайдиган, 11 гўштни қайта ишлайдиган ва 15 та сут маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхона ташкил қилинди.

## VI. АҲОЛИ БАНДЛИГИ ВА ТУРМУШ СИФАТИНИ ОШИРИШНИ ТАЪМИНЛАШ

Жорий йилнинг биринчи чорагида 215,4 мингта янги иш ўрни, шундан 150,1 мингтаси ёки 69,7 фоизи қишлоқ жойларда ташкил этилди. Иш ўринларининг катта қисми – 135,4 мингтаси (62,9 фоиз) кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, жумладан, қарийб 70 мингтаси (32,5 фоиз) хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида ташкил қилинди.

Хўжалик бирлашмалари ва ҳокимликларни касаначилик, ҳунармандчилик ва халқ ҳунармандчилигини кенгайтириш, оилавий тадбиркорликни рағбатлантириш чора-тадбирларини амалга оширишга фаол жалб қилиш ҳисобидан 53,1 мингта, хусусан, корхоналар билан кооперация асосида 18,6 мингта, пудрат шартномаси ва оилавий бизнес асосида 11,8 мингта иш ўрни ташкил қилинди. 2010 йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, 200 минг нафардан ортиқ киши касаначилик билан қамраб олинди.

Меҳнат бозорида фаол сиёсат юритиш аҳоли бандлигини 3 фоизга ошириш имконини берди ва бунинг натижасида иш билан банд аҳоли сони ўтган йилга қараганда 325,2 минг нафардан ортди ва 11,3 миллиондан кўпроқ кишини ташкил этди. Иш билан банд аҳоли сонининг ўсиши асосан қурилиш (105,8 фоиз), уй-жой-коммунал ва маиший хизмат кўрсатиш (105,3 фоиз), транспорт ва алоқа (105,2 фоиз), савдо ва умумий овқатланиш соҳасида (105,3 фоиз) кузатилмоқда.

Ҳисобот даврида бандлик ва ижтимоий муҳофаза қилишни таъминлашга доир амалга оширилган тизимли ҳамда комплекс чора-тадбирлар натижасида аҳоли даромадлари ҳамда турмуш сифатининг ўсиш тенденцияси сақланиб қолди. Жорий йилнинг январь-февралида аҳоли жон бошига реал пул даромадлари 2009 йилнинг шу давридагига нисбатан 19,6 фоизга кўпайди.

Жорий йилнинг биринчи чорагида **«Баркамол авлод йили» Давлат дастури** тадбирларини амалга ошириш учун 1,4 триллион сўм ва 25,4 миллион доллар йўналтирилди. Ёш оилаларнинг уй-жой шароитларини яхшилаш мақсадида уларга 23,8 миллиард сўмлик имтиёзли ипотека кредитлари ажратилди. Ёшлар учун 106,8 мингта янги иш ўринлари яратилди.

***Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги***

Таълим муассасалари ва болалар спорти объектларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари ҳамда ўқув-услубий адабиётни такомиллаштириш ишлари давом этмоқда.

Таълим жараёнига янги ахборот-коммуникация ва педагогик технологияларни кенг жорий этиш, жумладан, 1 551 та мактабни компьютер техникаси, шунингдек, қишлоқ жойлардаги 316 та мактабни ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилишни янада яхшилаш, профилактик соғлиқни сақлашни ривожлантириш, соғлом авлодни шакллантиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш давом этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг барқарор макроиқтисодий кўрсаткичлари ва иқтисодиётимизнинг юқори даражада мувозанатлашгани жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг олдини олиш ва бартараф этиш чораларининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган 2010 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларининг ўз вақтида қабул қилингани ҳамда самарали амалга оширилаётганидан далолатдир.

Шу йилнинг 12 апрелида Тошкентда ўтказилган «Инқирозга қарши чоралар дастурларининг самарадорлиги ва инқироздан кейинги ривожланишнинг устувор йўналишлари (Ўзбекистон мисолида)» халқаро илмий-амалий конференцияда Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурига юксак баҳо берилди. Анжуманда дунёнинг 46 мамлакатидан 400 нафардан ортиқ давлат ва жамоат арбоблари, иқтисодиёт илм-фани соҳасидаги етакчи олимлар, бизнесменлар, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ҳамда Ислом тараққиёт банки каби йирик халқаро ташкилотлар ва молия институтлари вакиллари иштирок этди.

Конференция иштирокчилари Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида мамлакатимиз банк-молия тизими барқарорлигини таъминлаш, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга доир кўрилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлигини таъкидлаган ҳолда, Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган 2010 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишлари доирасида давом этаётган улкан бунёдкорлик ишлари иқтисодиётни янада жадал юксалтириш, кенг кўламли таркибий ўзгаришларни рўёбга чиқариш ва мамлакат ҳаётининг барча жабҳаларини ривожлантиришга хизмат қилади, деб ишонч билдирдилар.

Инқирозга қарши чора-тадбирларни амалга оширишни давом эттириш ва чуқурлаштириш, иқтисодиётнинг барча жабҳаларини модернизация қилиш ва янгилаш жараёнларини жадаллаштириш, аҳоли, биринчи навбатда, ёшларни иш билан таъминлаш учун ва пировард натижада, мамлакатимиз аҳолиси турмуш даражасининг юқори сифатини ҳамда халқимиз фаровонлигининг муттасил ошишини таъминлашга қаратилган барча зарур шарт-шароитларни яратиш жаҳон иқтисодиётининг инқироздан чиқишининг узоқ муддатли жараёни давомида Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини янада барқарор ривожлантиришни таъминлаш борасидаги муҳим вазифа ҳисобланади.

***Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси***

# БОЛАЛАР БЕМАҲАЛ ЮРМАСИН

***Қонунчилик палатаси ёши 18 га тўлмаганлар учун ўзига хос тарздаги «комендантлик соати»ни жорий этувчи қонун лойиҳасини учинчи ўқишда кўриб чиқди ва Қонунни қабул қилди. Агар бу Қонун Сенат томонидан маъқулланса, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс вояга етмаган шахслар ота-онасидан бири ёки расмий васий кузатувисиз тунги вақтда ресторанлар, қаҳвахоналар, барлар, клублар, дискотекалар, кинотеатрлар, компьютер заллари, Интернет тармоғидан фойдаланиш хизматлари кўрсатиш учун жиҳозланган жойларда ёки бошқа кўнгилочар (дам олиш) жойларида бўлишига уларнинг раҳбарлари ёки бошқа масъул шахслари йўл қўйишини тақиқловчи норма билан тўлдирилиши мумкин. Қонун лойиҳасида «тунги вақт» тушунчасига таъриф берилмаган, аммо мажлисда муҳокама асносида гап кеч соат 22 билан тонгги соат 6 ўртасида бораётганлиги англашилди. Ана шу тақиқланган вақтда юқорида айтилган жойларда бўлганлик учун вояга етмаган шахсларнинг ўзига ҳеч нарса бўлмайди, аммо номи зикр этилган қайси муассаса балоғатга етмаган ўспирин ёки қиз аниқланса, шу муассаса раҳбари энг кам ойлик иш ҳақининг 10 бараваридан 15 бараваригача миқдорда жаримага тортилади.***

Мазкур қонуннинг лойиҳаси Бош прокуратура томонидан ишлаб чиқилган ва муҳокама учун парламентга тақдим этилган. Қонун лойиҳаси ижодкорлари кейинги вақтларда вояга етмаган шахслар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳоллари кўпайганлиги муносабати билан бу тоифадаги фуқароларнинг тунги кўнгилочар жойларда бўлишини чеклаб қўйишни мақсадга мувофиқ деб топдилар. Ўсмир ва ёш қизлар бемаҳалда – тунги вақтда дискотека ва тунги барларда тентираб юрмаслиги, балки ўз уйида ота-онаси назорати остида бўлиши керак – қонун лойиҳасининг ижодкорлари ҳам, Қонунчилик палатаси аъзоларининг аксарияти ҳам айни ана шу фикрда.

Қонун яратувчилар ўсмирларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини янада тўлароқ таъминлаш нуқтаи назаридан уларнинг ҳаёти ва соғлиғи учун зарарли одатларнинг олдини олиш, уларни маънан ва ахлоқан камол топтириш мақсадида вояга етмаган шахсларнинг тунги вақтда жамоат жойларида бўлишини тартибга солишда муаммо мавжуд ва у қонунчилик тартибида ҳал этилишини кутаётир деб ҳисобламоқдалар.



БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1959 йил 20 ноябрда қабул қилинган Бола ҳуқуқлари декларациясидаги принципга мувофиқ болага соғлиғига ёки таълим олишига зарарли бўлган ёхуд жисмоний, ақлий ёки маънавий камолотига монелик қиладиган машғулотлар билан шуғулланишга рухсат бермаслик керак.

БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси вояга етмаган шахсларнинг дам олиш ва ҳордиқ чиқариш ҳуқуқини эътироф этиб, бу ҳуқуқни бола ўз ёшига мос бўлган ўйинларда ва кўнгилочар тадбирлардагина иштирок этишига рухсат бериш билан чеклайди *(31-модда)*.

Жаҳондаги кўпгина мамлакатларнинг қонун ҳужжатларида вояга етмаган ўсмир-қизларнинг тунги вақтда барларда, шунингдек сархушлик қилинадиган жойлар ва қиморхоналарда бўлишига тақиқ назарда тутилган. Болаларнинг томоша тадбирларида бўлиши бу тадбирларнинг мазмунига ва сутка вақтига қараб чекланади. Ана шу қоидаларни бузувчи ҳамда бу билан болалар ва ўсмирлар тарбияси учун номақбул шароитлар яратувчи шахсларнинг жавобгарлиги ҳам белгилаб қўйилган.

Чунончи, 2002 йил 23 июлда Германияда қабул қилинган Ёшларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун 18 ёшга тўлмаган болалар ва ўсмирларнинг тунги барлар ёки тунги клубларда, шуларга ўхшаш кўнгилочар жойларда, шунингдек асосан қимор ўйинларига мўлжалланган оммавий ўйин заллари ёки бошқа жойларда бўлишини тақиқлайди. Вояга етмаганларнинг бошқа жамоат жойлари ва тадбирларда бўлиши бундай жойларнинг тури ва тадбирларнинг хусусиятига, боланинг ёшига ҳамда Қонунда кўрсатилган бошқа ҳолатларга қараб чекланади. Айтайлик, 18 ёшга тўлмаган болалар ва ўсмирларнинг васийлик ёки тарбия ишлари учун ваколатли шахс кузатувисиз умумий овқатланиш жойларида соат 24 дан тонгги соат 5 га қадар бўлишига, шунингдек жамоавийликка асосланган рақс тадбирларида иштирок этишига рухсат берилмайди.

Грузиянинг «Вояга етмаган шахсларни зарарли таъсирлардан ҳимоя этиш тўғрисида»ги 2001 йил 28 сентябрдаги қонуни билан вояга етмаган шахсларнинг сутканинг ҳар қандай вақтида қиморхоналарда ва қимор ўйинларига мўлжалланган автомат ўйин хоналарида бўлиши, соат 23 дан соат 8 га қадар бар ва тунги клубларга кириши ман этилади.

Бундай чекловларнинг жорий этилиши мақсадга мувофиқлигини Россияга оид статистика маълумотларидан билса бўлади. Хусусан, минтақалар миқёсида қабул қилинган чора-тадбирлар натижасида вояга етмаган шахслар томонидан содир этиладиган жиноятларнинг умумий сони қисқарди.

Бироқ бизнинг баъзи депутатларимиз ушбу қонун лойиҳасини қабул қилишни ёқлаб овоз бермадилар. Баъзилари қонун лойиҳасининг шу таҳририни муаммолари кўп деб ҳисобладилар. Уларнинг фикрича, қуйидаги жиҳатлар ё мантиқ доирасига сиғмайди, ёки сермуаммодир:

- 18 ёшга тўлмаган ёш йигит ёки қиз қонуний никоҳда бўлиши мумкин (принцип жиҳатидан Фуқаролик кодекси[1] бунга йўл қўяди), аммо ота-онасисиз уларнинг тунги дискотекага, барларга ва Интернет-кафега киришлари мумкин эмас бўлади;
- жарима ҳаддан ташқари катта. Мисол тариқасида транспорт воситасини алкоголли ичимлик, гиёҳвандлик воситаси таъсирида ёки бошқа тарзда маст ҳолатда бошқарганлик Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 131-моддасига биноан энг кам иш ҳақининг 5 бараваридан 7 бара-

*[1]Фуқаролик кодексининг 22-моддасига мувофиқ вояга етгунга қадар қонуний асосда никоҳдан ўтган фуқаро никоҳдан ўтган вақтдан эътиборан тўла ҳажмда муомала лаёқатига эга бўлади.*

# КИЧИК БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ «ПАРТИЯВИЙ» ЧИЗГИЛАРИ

***Кичик бизнес ҳозирги давлат иқтисодиётининг асоси, аҳолини иш билан таъминлаш ва унинг даромадларини ошириб боришнинг муҳим омилидир. Қулай ишбилармонлик муҳитини барпо этиш ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш юзасидан мамлакатимиз раҳбарияти томонидан амалга оширилаётган изчил ва собитқадам чора-тадбирлар тадбиркорлик субъектлари сони ортиб, уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши кўпайишига, рақобат муҳити шаклланишига, товарлар ва хизматлар бозори бойиб боришига, аҳолининг иш билан таъминланиши ва бюджетга тушадиган солиқ тушумлари ортиб боришига ёрдам бермоқда.***



Энг мақбул солиқ ва кредит сиёсати, кичик бизнес субъектларининг асосий моддий ресурслардан, шу жумладан юқори ликвидли моддий ресурслардан фойдаланиши осонлашганлиги, давлат тузилмалари ва назорат қилувчи тузилмаларнинг корхоналар молия-хўжалик фаолиятига асоссиз аралашавериши анчагина қисқарганлиги, тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими такомиллашиб бораётганлиги ва бошқа чоралар кейинги йилларда кичик тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини анчагина юқори кўтарди ва эндиликда бу кўрсаткич 50 фоизга етди.

Ҳозирги вақтда кичик корхоналар мамлакатимизда барча қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 90 фоизидан ортиғини етиштирмоқда, қурилиш ишлари, чакана савдо товар обороти ва аҳолига пулли хизматлар кўрсатиш ҳажмларининг ярмидан ортиғини таъминламоқда.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2010 йилга мўлжалланган иқтисодиёт дастурининг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида таъкидлаб айтдики, бизнинг шароитимизда кичик бизнесни жадал ривожлантириш вазифаларини ҳал этиш бағоят муҳим аҳамиятга эгадир. Бизнинг олдимизда кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 2010 йилда 52,5 фоизга етказиш вазифаси турибди. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришни кредитлаш ишларини анчагина кенгайтириш, корхоналарнинг фаолиятига давлат органлари томонидан ноқонуний аралашув ҳолларига, бундай корхоналар фаолиятига монелик қиладиган ёки ғов бўладиган қандайдир тўсиқлар ўрнатилиши ҳолларига йўл қўймаслик ҳисобига қўллаб-қувватлаш чораларини кучайтиришлари шарт.

Бироқ кичик бизнес секторининг умуман олганда, иқтисодиётдаги ўрни ва аҳамияти ортиб бораётганлигига қарамай, унинг саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришдаги улуши ҳамон пастлигича қолмоқда ва 20 фоиздан ошмаяпти.

Кичик тадбиркорлик асосан истеъмол комплекси тармоқларида ривож топди, лекин электр энергетикаси, ёқилғи саноати, кимё ва металлургия мажмуалари, машинасозлик ва металлга ишлов бериш тармоқларида у заиф бўғин бўлиб турибди. Юзага келган вазият сабабларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, иқтисодиётнинг реал секторида кичик тадбиркорликни ривожлантиришга тўғаноқ бўлиб турган асосий муаммолар хусусан қуйидагилардан иборат:

*бу соҳаларда кичик ишлаб чиқаришларни ривожлантириш инвестиция нуқтаи назаридан жозибадорлик касб этмаяпти;*

*асосий фондларнинг эскириши (емирилиши) даражаси юқори, корхоналарнинг молиявий ҳолати қаноатланарли эмаслиги натижасида технологик қайта қуролланиш ва ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш суръатлари паст;*

*молия олишда мураккабликлар барҳам топмаган;*

*хом ашё ва материаллар олишда ҳам аҳвол шундай;*

*зарур инфратузилмадан эмин-эркин баҳраманд бўлишда қийинчиликлар бор;*

*йирик ва кичик корхоналарнинг кооперациялашув алоқалари етарлича ривожланмаган;*

*малакали кадрлар етишмайди.*

Афсуски, амалдаги норматив-ҳуқуқий база унча барқарор эмаслиги, тез-тез ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши билан ажралиб туради. 2000 йилда «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун қабул қилинган бўлиб, унда бизнесни амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари, бу соҳадаги давлат кафолатлари, тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорлик фаолиятини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чоралари мужассам топган эди. Қонун нормаларига 2001–2009 йиллар мобайнида ўн марта ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Мен мамлакатимиздаги тадбиркорлик фаолиятини кучайтиришга, шу жумладан иқтисодиётнинг индустриал соҳасида тадбиркорликни устувор тарзда ривожлантиришга қаратилган янги қонун лойиҳаси – «Ўзбекистон Республикасида кичик тадбиркорликни ривожлантириш ва рағбатлантириш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш зарур деб ҳисоблайман.

Юқорида айтилган барча вазифаларни, шак-шубҳасиз, ҳал этиш мумкин. Демократик ўзгартишлар ва ислоҳотларда тадбиркорларнинг ўзлари бевосита фаол иштирок этиши бунда асосий омил бўлиб қолса керак. Сиёсий партияларга мамлакатимизда ижро этувчи ҳокимиятнинг бутун тизими устидан (ҳукуматдан тортиб маҳаллий ҳокимият органларигача) самарали жамоат назорати олиб боришнинг ҳуқуқий асослари яратиб берилган. Улар бу борада муҳим роль ўйнашлари керак ва шундай қила оладилар. Партиялар ўзларининг дастурий мақсадларини тўла амалга оширишлари учун ҳам барча шароитлар яратилган. Гап улар ўзларига берилган имкониятдан мумкин қадар тўлароқ фойдаланишида қолган.

ЎзЛиДеп бугунги кунда ўз депутатлари тимсолида анчагина салмоқли кучга эга *(Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасида 53 нафар депутати бор, халқ депутатлари вилоят Кенгашларининг 330 аъзоси, халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларининг 1 906 нафар депутати бизнинг партияга мансуб)*. Партиялар жойларда олиб бораётган ташкилий ишлар уларнинг демократик ўзгаришларни амалга оширишдаги ҳал қилувчи кучини намойиш этмоқда.

Яқинда Хоразм вилоятининг Қўшкўпир туманида тадбиркор аёлларнинг давра суҳбати ўтказилди. Тадбирда халқ депутатлари туман ва вилоят Кенгашларининг аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари ҳозир бўлдилар. **Кичик бизнесни ривожлантириш билан боғлиқ муаммоларнинг аксариятини жойларнинг ўзида муваффақиятли ҳал этиш мумкин деб ўйлайман. Асосий шарти қишлоқ тадбиркорлари билан давлат ҳокимияти олий органлари ўртасида уларнинг бир-бирини боғлаб турувчи мустаҳкам воситага айланишини таъминловчи**

варигача миқдорда жаримага сабаб бўлади. 16–17 ёшли ўсмир ёки қиз тунги вақтда Интернет-кафеда бўлганлиги учун ушбу кафенинг эгаси энг кам иш ҳақининг 10–15 баравари миқдорида жаримага тортилади;

● юқорида номлари тилга олинган барча муассасаларнинг эгаларида уларнинг муассасасига кириб келаётган ёшларнинг паспортини, ота-она ва болалар фамилияси бир хил бўлмаса, ота-она билан болаларнинг қариндошлик ришталарини тасдиқловчи бошқа ҳужжатларни қонунчилик асосида текшириш ҳуқуқи йўқ;

● банкротликка учратиш муддаоси билан бундай муассасаларни сохталик, турли найранглар билан чув тушириш таҳдиди бор;

● ёш кезлари ёшлар кеч соат 10–11 да ҳали сайр қилиб ўйнаб юрган бўлади. Хўш, кўчанинг қаҳвахонадан қанақа ортиқ жойи бор? Ёш қиз ва ўсмирларнинг муассасаларда бўлишига белгиланаётган тақиқ ёшларни ўзларига ҳеч ким халақит бермайдиган бошқа жой излаш ва қидириб топишга олиб борса керак;

● бу қонун коррупцияга йўл очиб бериши ҳам мумкин, чунки муайян даражада «келишувлар» бўлишидан амалда тарафларнинг ҳаммаси – ёшлар ҳам, муассаса эгалари ҳам, назорат қилувчи органларнинг айрим ноинсоф, нопок вакиллари ҳам бирдек манфаатдор.

***Муҳокамадан сўнг парламент қуйи палатаси томонидан Қонун учинчи ўқишда кўпчилик овоз билан қабул қилинди ва кўриб чиқилиши учун Сенатга юборилди.***

*«Норма маслаҳатчи» махсус мухбири Юлия ЯШИНА тайёрлади.*

---

**партия ташкилотлари ва бутун депутатлик корпуси ўзаро соз ва ҳамоҳанг ишлаши керак. Минтақаларда ишлаб чиқаришни ташкил этишга кўмаклашишдан тортиб тегишли миллий қонунчилик базасини яратишгача бўлган барча масалаларни депутатлар корпусининг саъй-ҳаракати билан бемалол ҳал қилса бўлади.** Шу сабабли давра суҳбати иштирокчилари партия бошланғич тузилмалари билан унинг парламентдаги фракциялари ўртасида икки тарафлама алоқа механизмини такомиллаштиришга алоҳида эътибор бердилар.

Партия тузилмалари ўзаро ҳамкорлик ҳаракатларини жуда пухта йўлга қўйишлари, бунда ҳар ким ўз вазифасини аниқ тасаввур этиши лозим. Бу гап бевосита воқеалар ўчоғи, воқеалар силсиласи марказидаги бошланғич партия ташкилотлари ва халқ депутатлари туман Кенгашларига ҳам, вилоят Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари ва парламентдаги фракцияларга ҳам бирдек тааллуқли. «Куйидан» олинган материаллар қонунчилик ва назорат-таҳлил ишлари учун яхшигина таянч бўлиши мумкин. Бу ҳол ЎзЛиДепнинг сайловолди жараёнида берган ваъдаларини амалга ошириш, шунингдек мулкдорлар синфини мустаҳкамлашга имкон беради. Зотан давлат ва жамият тизимини изчиллик билан ривожлантириш, давлат ҳамда жамоат тизимини янгилашда мулкдорлар синфидан кучли мададкор йўқ.

***Клара ЖУМАМУРОТОВА,***
***Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо қўмитаси аъзоси (ЎзЛиДеп фракцияси).***

---

Қонунчиликдаги янгиликлар

# ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

***Мазкур ва бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан www.norma.uz сайтидаги эркин кириладиган «Қонунчиликдаги янгиликлар» рукнида танишиб чиқишингиз мумкин.***

## ТЕРМИНАЛ – ҲАР БИР ДЎКОНДА




**Президентнинг 2010 йил 19 апрелдаги «Банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПҚ-1325-сон қарори билан 2010-2011 йилларда банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар бўйича махсус жиҳозлар тармоғини кенгайтириш назарда тутилган** *(«СБХ»нинг 2010 йил 22 апрелдаги 17 (821)-сонида чоп этилган).* Чунончи, республикада қўшимча равишда 24 848 та ҳисоб-китоб терминали, 161 та банкомат ва 482 та инфокиоск ўрнатиш режалаштирилмоқда.

Банк пластик карточкаларидан тўловлар қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминаллари билан жиҳозланиши шарт бўлган чакана савдо ҳамда хизмат кўрсатиш объектлари рўйхати кенгайтирилди. Энди унга авиация ва темир йўл чипталарини сотиш кассалари; автовокзаллар ва автостанциялар кассалари; автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчалари; меҳмонхоналар; **кредит ташкилотлари** (кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари, ломбардлар), **суғурта**



**ташкилотлари ва молия бозорининг бошқа субъектлари**; турғун савдо шохобчалари, **шу жумладан дорихоналар (эгалланган майдон ҳажмидан қатъи назар)** *(олдин – савдо зали майдони 150 квадрат метрдан ортиқ бўлган турғун савдо шохобчалари)*; умумий овқатланиш объектлари *(олдин – фақат ресторанлар ва иш ҳақи тўлаш пластик карточкаларидан фойдаланиб амалга ошириладиган корхоналар ва муассасалардаги умумий овқатланиш объектлари)*; аҳолидан уй-жой-коммунал хизматлари (олдин – фақат уй-жой-коммунал хизматлари кўрсатадиган корхоналар ҳузурида), шунингдек телефон, шу жумладан уяли телефон алоқаси хизматлари учун тўловларни қабул қилиш пунктлари; **автотранспорт воситаларини вақтинчалик сақлаш жойлари**; алоқа бўлимлари; **маиший хизмат кўрсатиш ва маданий-оммавий ҳамда томоша тадбирларини ўтказиш объектлари ва аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширувчи бошқа хўжалик юритувчи субъектлар киради.**

Жойлардаги давлат ҳокимияти органлари, давлат ҳамда хўжалик бошқаруви органлари ва тижорат банкларига **2011 йилнинг 1 январигача қадар** юқорида санаб ўтилган объектларни терминаллар билан жиҳозлаш чораларини кўриш топширилган.

Хўжалик субъектларининг тўлов терминаллари билан жиҳозлаш ва улардан фойдаланишга оид талабларга риоя қилмаслиги назорат-касса машиналари билан жиҳозлаш ва улардан фойдаланиш тартибини, савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини бузишга тенглаштирилади ҳамда уларга қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарлик юкланади.

Президент ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан берилган, пластик карточкалар асосида ҳисоб-китобларни ривожлантиришни рағбатлантиришга йўналтирилган **солиқ ва божхона имтиёзларининг амал қилиши 2012 йилнинг 1 январигача узайтирилди.**

Ҳужжат билан Президентнинг айрим қарорларига тегишли ўзгартишлар киритилди.

## МТБ ҚОИДАЛАРИ

**Давлат божхона қўмитаси, иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирликлари, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг қарори *(АВ томонидан 2010 йил 19 апрелда 2097-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* билан Қандим кон гуруҳи участкаси, Хаузак ва Шоди участкалари, шунингдек Кўнғирот участкасига оид маҳсулотни тақсимлаш ҳақидаги 2004 йил 16 июндаги Битим доирасида ва Ўзбекистон Республикаси Жанубий-Ғарбий Ҳисор ва Устюрт минтақаси ҳудудларидаги конлар бўйича 2007 йил 23 январдаги маҳсулот тақсимотига оид Битим доирасида Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларнинг божхона расмийлаштируви қоидалари тасдиқланди.**

Чунончи, инвестор ва (ёки) оператор ва уларнинг пудратчилари *(юқорида кўрсатилган маҳсулот тақсимотига оид битимлар (МТБ) бўйича)* томонидан олиб кирилаётган ҳамда олиб чиқилаётган қайтариладиган товарларнинг божхона расмийлаштируви божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви учун олинадиган йиғимдан ташқари) ундирилмаган ҳолда амалга оширилади. Инвестор ва ваколатли органга тегишли бўлган табиий газни, қайта ишлаш маҳсулотларини ва бошқа углеводород маҳсулотларини биргаликда экспорт қилиш, республика қонунчилигига асосан бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, уларнинг номидан ва маркетинг компанияси топшириғига асосан МТБ қоидаларига мувофиқ экспорт шартномаларини ТИАИСВда рўйхатга олмаган ҳамда Ўзбекистон ваколатли банкида ва божхона органларида ҳисобга қўймаган ҳолда амалга оширилади.

Қоидаларда шунингдек эркин муомалага чиқариш учун мўлжалланган товарларни, қайтариладиган товарларни олиб кириш ва уларни тасарруф қилиш, табиий газнинг, қайта ишлаш маҳсулотлари ва бошқа углеводород маҳсулотларининг олиб чиқилиши масалалари, инвестор, оператор ва пудратчиларнинг мажбуриятлари белгиланган.

Ҳужжат билан вазирликлар ва идораларнинг баъзи қарорлари ўз кучини йўқотган деб топилди.

**2010 йил 29 апрелдан кучга кирди.**

## ОҚСОҚОЛ ВАКОЛАТЛАРИ

Адлия вазирининг буйруғи ***(АВ томонидан 2010 йил 19 апрелда 2098-сон билан рўйхатдан ўтказилган)*** билан Шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари) томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқнома тасдиқланди. Ҳужжат билан фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари) томонидан «Нотариат тўғрисида»ги Қонуннинг 25-моддасида белгиланган нотариал ҳаракатларни амалга оширишнинг қоидалари белгиланган. Уларни амалга оширишда оқсоқоллар Ўзбекистон қонун ҳужжатларига, шунингдек мазкур Йўриқномага амал қиладилар. Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги ва вилоятлар адлия бошқар-



малари нотариал ҳаракатларни бажариш юзасидан фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари)га бевосита ҳамда жойлардаги давлат нотариал идоралари орқали услубий раҳбарлик қиладилар. Ҳужжатда шунингдек нотариал ҳаракатларни амалга оширишда оқсоқолларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланган.

**2010 йил 15 майдан кучга киради.**

## АГЕНТЛИК ТАРМОҒИ УЧУН ЯНГИ НИЗОМ

**Марказий банк бошқаруви, Давлат солиқ қўмитаси, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг қарори *(АВ томонидан 2010 йил 21 апрелда 2099-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* билан Тўлов агентлик тармоғи орқали жисмоний шахсларнинг тўловларини қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.** Унга мувофиқ, энди бош агентнинг Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигидан лицензия олиши ҳамда Марказий банкда рўйхатдан ўтаётганда уни тақдим этиши назарда тутилмаган.

Низомда бош агент билан тўлов агенти/субагент ўртасидаги шартномаларни тузиш; тўловларни амалга ошириш; ўзига ўзи хизмат қилиш қурилмаси орқали тўловни амалга ошириш; тўлов агентлик тармоғини дастурий ва техник таъминлаш, унинг хавфсизлигини таъминлаш; улар томонидан тўловни амалга ошириш учун кафиллик бадалини махсус ҳисобварақҳа ўтказиш тартиби; махсус ҳисобварақлардаги пул маблағлари ҳисобини юритиш ва уларни ишлатиш масалалари назарда тутилган.

Ҳужжат билан Марказий банк бошқаруви, Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг «Тўлов агентлик тармоғи орқали жисмоний шахсларнинг тўловларини қабул қилиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2002, 2009 йил 30 август) **ўз кучини йўқотган деб эътироф этилди.**

**2010 йил 1 майдан кучга киради.**

***Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қисқача шарҳлари 2010 йил 17 апрелдан 23 апрелгача бўлган давр учун «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»нинг 16-сони асосида тайёрланди.***

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

# ДЕҲҚОН БОЗОРЛАРИ ВА САВДО КОМПЛЕКСЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

*(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 17-сон)*

Республика деҳқон (озиқ-овқат) бозорлари, ихтисослаштирилган ва буюм бозорлари (савдо комплекслари) фаолиятини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш, улар томонидан кўрсатиладиган хизмат турлари ва ҳажмларини кенгайтириш, аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, бозорлар ва савдо комплексларида пул оқимлари тўликроқ ҳисобга олинишини таъминлаш, шунингдек, сифати паст, қалбаки ва контрабанда маҳсулотлари сотилишига йўл қўймаслик мақсадида:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда:

бир ой муддатда деҳқон (озиқ-овқат) бозорлари, ихтисослаштирилган ва буюм бозорлари (савдо комплекслари) паспортларини тузишни ниҳоясига етказиб, ушбу паспортларга уларнинг ихтисослашуви ва иш тартиби, турғун савдо нуқталари ва савдо ўринлари миқдори ва жойлашуви, уларнинг ҳудудида мавжуд бўлган инфраструктура объектлари ва кўрсатилаётган хизмат турлари тўғрисидаги маълумотларни албатта киритсинлар;

2010 йилнинг 1 июнига қадар 100 та ва ундан кўпроқ турғун савдо нуқталари ва савдо ўринлари мавжуд бўлган барча бозорлар, савдо комплекслари ва уларнинг филиалларида давлат солиқ хизмати органларининг ходимлари томонидан йиғимнинг тўлиқлигини ҳар куни текширган ҳолда фақат банк тизими орқали бир марталик йиғим ва ижара тўловлари ундирилишининг автоматлаштирилган тарзда ҳисобга олинишини мажбурий тартибда жорий қилсинлар;

2010 йилнинг 1 июнигача бўлган муддатда бозорлар ҳудудида ва уларга туташ ҳудудларда жойлашган барча автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойларининг белгиланган тартибда бозорлар ва савдо комплексларига топширилишини таъминласинлар, уларнинг назорат-касса машиналари ва тўлов терминаллари билан жиҳозланишини, шунингдек 300 та ва ундан кўпроқ турғун савдо нуқталари ва савдо ўринларига эга бўлган бозорлар ва савдо комплексларида машиналарнинг кириш ва чиқиш вақтини қайд этиб турадиган электрон ҳисоблагичлар мажбурий ўрнатилишини назарда тутсинлар;

2010 йилнинг 1 июлигача бўлган муддатда давлат ветеринария хизмати ва санитария-эпидемиология назорати органларини жалб этган ҳолда ҳар бир деҳқон (озиқ-овқат) бозорида бозорга олиб келинаётган озиқ-овқат маҳсулотлари сифатининг экспресс-анализ лабораторияларини ташкил қилиб, тегишли сертификат берсинлар ва тегишли сертификатга эга бўлмаган маҳсулотларнинг сотилишини тақиқласинлар;

2011 йилнинг 1 январига қадар муддатда барча ихтисослаштирилган ва буюм бозорларини назорат-касса машиналари ва тўлов терминаллари билан жиҳозланган турғун савдо нуқталаридан иборат бўлган савдо комплекслари этиб қайта ташкил қилсинлар, истеъмолда бўлган мол-мулк савдоси бўйича бозорлар бундан мустасно.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 октябрдаги Р-3296-сон Фармойишига мувофиқ тузилган ишчи комиссиясининг, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг 2010 йилнинг 1 июлига қадар 1-иловага мувофиқ рўйхат бўйича савдо комплекслари, деҳқон, ихтисослаштирилган ва буюм бозорларида аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга оширувчи объектларни фискал хотирали назорат-касса машиналари билан мажбурий тартибда қўшимча жиҳозлаш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

бозорлардаги савдо ўринлари жисмоний шахсларга фақат уларнинг якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтгани тўғрисидаги гувоҳномаси мавжуд бўлган тақдирдагина берилади, ўзи етиштирган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини, шунингдек истеъмолда бўлган товарларни сотиш ҳоллари бундан мустасно;

сотиб олинган товарлар ва хизматлар учун харидорларга бериладиган касса чекларида солиқ тўловчининг номи ва индивидуал рақами (ИНН), харид қилинган вақти ва санаси, товарнинг номи, унинг қиймати, касса аппаратининг рақами тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлиши керак;

бозорларнинг ҳудудида ер участкалари ажратиб берилишига, шунингдек бозорга тегишли кўчмас мулк объектларини жисмоний ва юридик шахсларга мулк қилиб топширилишига йўл қўйилмайди.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

ҳудудий молия ва солиқ органлари билан келишилган ҳолда бозорлар ва савдо комплексларининг маъмурияти томонидан ундириб олинадиган бир марталик йиғимлар, ижара тўлови ва кўрсатиладиган хизматлар қиймати миқдорларини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан ҳар йили белгиланадиган минимал миқдорлардан паст бўлмаган миқдорда ҳар йили тасдиқласинлар;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда бозорлар ва савдо комплексларининг раҳбарлари 2010 йилнинг 1 майига қадар муддатда бир марталик йиғим, ижара тўлови миқдорлари тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек кўрсатиладиган мажбурий хизматлар рўйхати ва қийматини тасдиқласинлар ҳамда бозорлар ва савдо комплексларига кириладиган барча жойларга осиб қўйсинлар.

5. Белгилансинки, 2010 йилнинг 1 июлидан бошлаб 2-иловага мувофиқ рўйхат бўйича товарнинг олиб кирилиши ва божхона тўловлари тўланиши фактини тасдиқлайдиган божхона декларацияси расмийлаштирилган санадан кейин 12 ой ўтгач тайёр импорт истеъмол товарлари сотувга қўйилиши ҳамда чакана савдода реализация қилинишига йўл қўйилмайди.

Товарнинг олиб кирилиши ва божхона тўловлари тўланиши фактини тасдиқлайдиган божхона декларацияси расмийлаштирилган санадан кейин 12 ой ўтгач тайёр импорт истеъмол товарларининг реализация қилиниши савдо қоидаларини бузиш (товарларни ҳужжатларсиз реализация қилиш) деб ҳисоблансин ва қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарлик чоралари қўлланилсин.

6. 2010 йилнинг 1 октябридан бошлаб қуйидагиларни назарда тутувчи тартиб жорий қилинсин:

аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга оширувчи хўжалик субъектлари томонидан қўлланадиган назорат-касса машиналари ягона техник талабларга мос келиши ва «Ўзстандарт» агентлиги томонидан белгиланган тартибда мажбурий сертификациядан ўтказилиши лозим;

сертификати бўлмаган ёки белгиланган ягона техник талабларга жавоб бермайдиган назорат-касса машиналаридан фойдаланган ҳолда чек бериш айбдор шахсларни қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.

7. Белгилаб қўйилсинки, 2010 йилнинг 1 июлидан бошлаб чакана савдо корхоналари, микрофирмалар ва хизмат кўрсатиш соҳасининг кичик корхоналари қонун ҳужжатларига мувофиқ ягона солиқ тўловларини тўлайдилар, аммо худди шундай фаолият турини амалга ошираётган якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган қатъий белгиланган солиқ миқдоридан кам бўлмаган суммани тўлайдилар.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин ва ягона солиқ тўловини тўловчилар уни тўлашнинг янги тартиби тўғрисида белгиланган тартибда хабардор қилинишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда бозорлар ва савдо комплексларининг фаолиятини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга қўшимчалар киритиш, шунингдек қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

***Ўзбекистон Республикаси Президенти***
***И.КАРИМОВ.***

*Тошкент ш.,*
*2010 йил 26 апрель*
*ПҚ-1326-сон.*

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*2010 йил 26 апрелдаги ПҚ-1326-сон қарорига*
*1-ИЛОВА*

## САВДО КОМПЛЕКСЛАРИ, ДЕҲҚОН, ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ВА БУЮМ БОЗОРЛАРИДА ФИСКАЛ ХОТИРАЛИ НАЗОРАТ-КАССА МАШИНАЛАРИНИ МАЖБУРИЙ РАВИШДА ҚЎЛЛАНГАН ҲОЛДА АҲОЛИ БИЛАН ПУЛ ҲИСОБ-КИТОБЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРУВЧИ ҚЎШИМЧА ОБЪЕКТЛАР РЎЙХАТИ

1. Озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарларини реализация қилиш бўйича умумфойдаланадиган ихтисослаштирилган турғун павильонлар.

2. Автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш, шу жумладан бозорга туташ ҳудудларда вақтинча сақлаш жойлари.

3. Аҳолидан тўловларни, шу жумладан уй-жой-коммунал хизматлар, телефон ва уяли алоқа хизматлари учун тўловларни қабул қилиш пунктлари.

4. Бозорларнинг маъмурияти томонидан бир марталик йиғим ва ижара тўловларини қабул қилиш пунктлари.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*2010 йил 26 апрелдаги ПҚ-1326-сон қарорига*
*2-ИЛОВА*

## ТОВАРНИНГ ОЛИБ КИРИЛИШИ ВА БОЖХОНА ТЎЛОВЛАРИ ТЎЛАНИШИ ФАКТИНИ ТАСДИҚЛАЙДИГАН БОЖХОНА ДЕКЛАРАЦИЯСИ РАСМИЙЛАШТИРИЛГАН САНАДАН КЕЙИН 12 ОЙ ЎТГАЧ САВДОГА ҚЎЙИЛГАН ВА ЧАКАНА САВДОДА РЕАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИНИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАЙДИГАН ТАЙЁР ИМПОРТ ИСТЕЪМОЛ ТОВАРЛАРИ РЎЙХАТИ

**Товарларнинг номи**

1. Тикувчилик буюмлари
2. Устки трикотаж
3. Ички трикотаж
4. Спорт трикотажи
5. Пайпоқлар
6. Кўрпа-тўшак ғилофлари (алоҳида-алоҳида ва комплект ҳолда)
7. Тюль-гардин полотноси ва буюмлари
8. Пахмоқ сочиқлар, чойшаблар, халатлар
9. Чарм пойабзал
10. Телевизорлар
11. Музлатгичлар
12. Кондиционерлар
13. Электр дазмоллар

